Бир киши таҳорат олди ва оёғида тирноқчалик жойни ташлаб қўйди. Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўриб қолдилар ва: «Қайтгин, таҳоратингни яхшилаб олиб кел!», – дедилар. Қайтиб келди сўнгра намоз ўқиди

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтади: Менга Умар ибн Хаттоб хабар берди: Бир киши таҳорат олди ва оёғида тирноқчалик жойни ташлаб қўйди. Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўриб қолдилар ва: «Қайтгин, таҳоратингни яхшилаб олиб кел!», – дедилар. Қайтиб келди сўнгра намоз ўқиди.
[Шоҳидлари билан саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Умар разияллоҳу анҳу хабар бериб айтадилар: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши таҳорат олиб оёғига тирноқчалик сув тегмай қолганини кўриб қолдилар. Тегмай қолган жойига ишора қилиб: «Қайтгинда, таҳоратингни яхшилаб ол ва ҳар бир аъзонинг хаққини тўлиқ бер», – дедилар. Киши қайтиб тахоратини тўлиқ олиб келди сўнгра намоз ўқиди.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/8386